

“HISSA”

коммандит ширкати
таъсисчиси (тўлиқ шерик)нинг
2026 йил 14 майдаги 1-сонли
қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“HISSA”

**КОММАНДИТ ШИРКАТИНИНГ
ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ**

ТОШКЕНТ – 2026

“HISSA”

КОММАНДИТ ШИРКАТИНИНГ ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“14” май 2026 йил

1. ШАРТНОМА ИШТИРОКЧИЛАРИ

1.1. Қуйидаги **«Иштирокчилар»** деб номланувчилар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан ташкил этилган “HISSA” коммандит ширкати иштирокчилари ҳисобланади:

Тўлиқ шериклар қуйидагилар ҳисобланади:

1. “Envast Innovation” МЧЖ – 13.03.2026 йилда давлат рўйхатидан ўтган, реестр рақами 3159904, почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Наққошлик МФЙ, Бунёдкор кўчаси, 41-Б-уй, директори ЭШТУРДИЕВ УМИДЖОН ДИЛШОД ЎҒЛИ сиймосида: Ўзбекистон Республикаси фуқароси, паспорт реквизитлари: AD 3822810; Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман давлат хизматлари маркази томонидан берилган. Яшаш манзили: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Муқимий кўчаси, 59-уй.
2. “Envast” МЧЖ – 06.03.2026 йилда давлат рўйхатидан ўтган, реестр рақами 3151069, почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Наққошлик МФЙ, Бунёдкор кўчаси, 41-Б-уй, директори ЭШТУРДИЕВ УМИДЖОН ДИЛШОД ЎҒЛИ сиймосида: Ўзбекистон Республикаси фуқароси, паспорт реквизитлари: AD 3822810; Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман давлат хизматлари маркази томонидан берилган. Яшаш манзили: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Муқимий кўчаси, 59-уй.

1.2. Ширкатнинг дастлабки таъсисчи-иштирокчилари ва Ширкат давлат рўйхатидан ўтгандан кейин тўлиқ шерик қарори билан Ширкатга қабул қилинган ҳисса қўшувчилар (иштирокчилар) ширкатга эгалик қилишда тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳисобланади. Жамият таъсисчи-иштирокчилари ва таъсисчи бўлмаган иштирокчилар (ҳисса қўшувчилар) кейинги матнларда биргаликда **“Иштирокчилар”** деб юритилади.

1.3. Ҳисса қўшувчи иштирокчиларни Ширкатга қабул қилиш тўғридан-тўғри Ширкатда ҳисса қўшувчи сифатида иштирок этиш истагини билдирган жисмоний ёки юридик шахснинг мурожаатига (ёзма ва электрон) асосан амалга оширилади. Бунда, янги ҳисса қўшувчи иштирокчилар тўлиқ шерик қарори билан Ширкатга қабул қилинади, улар билан Ширкатга ҳисса қўшувчи сифатида қабул қилиш ҳақида келишув имзоланади ва тўлиқ шерик томонидан ушбу таъсис шартномасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш чоратadbирлари кўрилади.

1.4. Ширкатнинг иштирокчи коммандитчилар рўйхати ушбу таъсис шартномасининг 1-илоvasида келтирилган.

1.5. Ширкат жисмоний ва юридик шахслардан иборат бўлиб, Ширкат бошқаруви тўлиқ шериклар томонидан амалга оширилади.

1.6. Иштирокчилар ушбу таъсис шартномасини (матнда «**Шартнома**» деб юритилади) қуйидаги шартларда туздилар.

АТАМАЛАР ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

ENVAST платформаси - мазкур таъсис шартномасида назарда тутилган шартлар асосида Ширкатга коммандитчи сифатида кириш, фаолият юритиш ва чиқиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш учун мўлжалланган махсус мобил илова. Ушбу иловани **www.ENVAST.uz** веб-сайтидан, Google Market ёки App Store орқали юклаб олиш мумкин.

Молиявий йил - Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига кўра, 12 ойлик циклдан иборат йил ҳисобланади.

Бошқарувчи компания - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган Коммандит ширкатининг тўлиқ шериклари ҳисобланади.

Инвестор (коммандитчилар) - Таъсис шартномаси ва офертада белгиланган тартибда инвестиция маблағларини Ширкатнинг устав капиталига киритган ва Ширкат томонидан коммандитчи сифатида қабул қилинганлиги ҳақида гувоҳномага эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти). Бунда, Инвесторнинг Ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги қўшган ҳиссаси доирасида чекланган бўлиб, у Ширкатнинг бошқарувида иштирок этмайди.

Инвестицион лойиҳа – бу ENVAST платформасида Инвестор танлаган инвестиция тури бўлиб, у инвестиция муддати ва шериклик шартларини белгилайди.

2. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

2.1. “HISSA” коммандит ширкати (матнда «**Ширкат**» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги қонуни (матнда “**Қонун**” деб юритилади) ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан коммандит ширкати сифатида тўлиқ шерик қарорига асосан хўжалик фаолияти юритиш ва фойда олиш мақсадида таъсис этилган тижорат ташкилотидир.

2.2. Ширкатнинг расмий номи:

Ўзбек тилида тўлиқ номи:	“HISSA” коммандит ширкати
Ўзбек тилида қисқартирилган номи:	“HISSA” КШ
Рус тилида тўлиқ номи:	Коммандитное товарищество “HISSA”
Рус тилида қисқартирилган номи:	КТ “HISSA”
Инглиз тилида тўлиқ номи:	“HISSA” Limited Partnership
Инглиз тилида қисқартирилган номи:	“HISSA” LP

2.3. Ширкат номуайян муддатга ташкил этилади.

2.4. Ширкат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

2.5. Ширкат жойлашган жой (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Наққошлик МФЙ, Бунёдкор кўчаси, 41-Б-уй.

3. ШИРКАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

3.1. Ширкатнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, тўлиқ шерик қарорлари ва мазкур таъсис шартномаси билан белгиланади.

3.2. Ширкат юридик шахсдир, мустақил балансга ҳамда ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади ва у тўлиқ хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асосида иш кўради.

3.3. Ширкат ўз номидан шартномалар тузиш, мулкый ҳуқуқларни сотиб олиш ва мажбуриятлар олиш, иқтисодий ва фуқаролик судида, ҳакамлик ва халқаро арбитраж судида ва бошқа судларда даъвогар ва жавобгар бўлиш ҳуқуқига эга бўлади.

3.4. Ширкат думалоқ муҳр, ўз номи битилган бланklar, эмблема ва товар белгиларига эга бўлиши мумкин.

3.5. Ширкат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, шўъба корхоналари, филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш ҳуқуқига эга. Ширкатнинг филиал ва ваколатхоналари Ширкат томонидан тасдиқланадиган низом асосида унинг номидан иш юритади, шўъба корхоналари эса тасдиқланадиган уставлар асосида иш юритадилар.

3.6. Ширкат банкларда ўз ҳисобварақларига, шу жумладан чет эл валютасида ҳисобварақларига эга бўлиши мумкин.

3.7. Ширкат ўз штати, меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тизимини мустақил ишлаб чиқади. Ширкат ўриндошлик ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ишларни бажариш учун мутахассисларни жалб қилишга ҳақлидир.

4. ШИРКАТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

4.1. Ширкатни ташкил этишдан мақсадлар:

- кўчмас мулк қуриш ва қурилган объектларни сотиш орқали даромад қилиш;
- ер участкалари ва ерга боғлиқ активлар билан савдо-инвестиция фаолияти орқали фойда олиш;
- кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган тайёр бинолар ва кўчмас мулк объектларини сотиб олиб, ижарага бериш ва сотиш орқали барқарор даромад олиш.

4.2. Ширкат қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- Кўчмас мулк объектлари ва қурилиш лойиҳаларига инвестиция киритиш, шу жумладан турар жой ва нотурар жой бинолари қурилиши, реконструкцияси, таъмири ва сотиб олинишида иштирок этиш;
- Кўчмас мулк билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни режалаштириш, молиялаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш;
- Инвесторлардан, шу жумладан коммандитчилардан жалб қилинган пул маблағларини инвестиция лойиҳаларида белгиланган мақсадларда инвестиция қилиш;
- Мулкни ишончли бошқариш хизматларини кўрсатиш;

- Инвестицион операцияларни амалга ошириш, жумладан инвестиция шартномалари, лойиҳавий молиялаштириш, шериклик (шу жумладан коммандит шериклик) тузилмалари орқали иштирок этиш;
- Уй-жой мулкдорлари ширкатларини (УМШ) ташкил этиш, уй-жой ва бино-иншоотларга эксплуатация хизматларини кўрсатиш;
- Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш);
- Ер участкаларини сотиб олиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни юридик жиҳатдан тоза ҳолатга келтириш;
- Ер майдонларини бўлиб чиқиш (бандлаш), қайта тузиш ва ривожлантириш бўйича ишлар;
- Ерларни инвесторлар иштирокида ривожлантириш ва кейинчалик сотиш;
- Ер ва мулкка оид инвестицион битимлар тузиш;
- Ер ва мулк бозоридаги савдоларни ташкил этиш, консалтинг ва риэлторлик хизматларини кўрсатиш;
- Ерни ижарага бериш, вақтинча фойдаланиш ёки сотиш орқали даромад олиш;
- Ер ва мулк объектларини баҳолаш, аудит ва экспертиза ишларини ташкил этиш;
- Инвестиция фаолиятини қонунчилик доирасида амалга ошириш учун банк ва молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш;
- Кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган бинолар ва кўчмас мулк объектларини сотиб олиш;
- Бинолар ва кўчмас мулк объектларини ижарага бериш шартномаларини тузиш ва ижара тўловларини йиғиш;
- Ижара фойдасини ҳисоблаш ва коммандитчилар ўртасида тақсимлаш;
- Ижарага берилган бинолардан самарали фойдаланишни назорат қилиш;
- Ижара фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий ва молиявий ҳисоб-китобларни юритиш;
- Бинолар ва кўчмас мулк объектлари учун олди-сотди шартномаларини тузиш ва даромадларни ҳисобга олиш.

4.3. Давлат органлари рухсатномасини (лицензияси) талаб этувчи фаолият турлари Ширкат томонидан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади.

4.4. Ширкат ўз вақтида қурилишни якунлаш ва кўчмас мулк объектларини сотиш учун барча зарурий чораларни кўради. Бироқ агар қурилиш белгиланган муддатда якунланмаслиги ёки кўчмас мулк объектларининг белгиланган муддатда фойдаланишга берилмаслиги қурилиш компаниясининг айби билан содир бўлса, **Ширкат ҳар бир кечиккан ой учун қурилиш компаниясидан у билан тузилган шартномада белгиланган миқдорда чегирма беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.**

4.5. Қурилиш лойиҳаси ва унга тегишли барча маълумотлар — жумладан, қурувчи компания, қурилаётган кўчмас мулк объекти, унинг қурилиш жараёни, битказилиш муддатлари ва бошқа муҳим маълумотлар Инвесторнинг “ENVAST” платформасидаги шахсий кабинети орқали тақдим этилади. Платформада ушбу маълумотлар доимий янгиланиб борилади ва эркин кириш имконияти таъминланади.

4.6. Қуриб битказилган кўчмас мулк объекти Ширкат томонидан ўз номига расмийлаштирилгандан сўнг, сотувга чиқариш таъминланади. Савдо шартномалари бозор шароити, талаб ва таклифни инобатга олган ҳолда тузилади.

5. ШИРКАТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

5.1. Ширкатнинг устав капитали Тўлиқ шериклар ва коммандитчилар киритган пул маблағларидан шаклланади.

5.2. Ширкатнинг умумий устав фонди 3 474 000 000 (уч миллиард тўрт юз етмиш тўрт миллион) сўм этиб белгиланди.

Иштирокчининг тури	Умумий сони	Улушнинг номинал қиймати (сўмда)	Улуш фоизда
Тўлиқ шерик			
“Envast Innovation” МЧЖ	1	3 450 000 000	99.309%
“Envast” МЧЖ	1	12 000 000	0.345%
Ҳисса қўшувчилар			
DJURAYEV DIYOR BAXTIYOR O'G'LI	1	12 000 000	0.345%
Жами	3	3 474 000 000	100%

5.3. Иштирокчиларнинг устав капиталдаги улуши фоизларда ифодаланади ва у киритган пул маблағлари билан Ширкат устав капитали ўртасидаги нисбатга мувофиқ белгиланади.

5.4. Ширкатнинг устав фондига иштирокчилар томонидан қўшиладиган ҳиссалар фақатгина миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларида бўлиши мумкин, бунда хорижий валютада киритилаётган маблағ ушбу кунги Марказий банкнинг расмий курси бўйича сўмда ҳисобланиб, устав фондига қўшилади. Ширкатнинг устав фондига пулсиз ҳиссаларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

5.5. Устав фондининг кўпайтирилиши тўлиқ шерикнинг қарорига кўра амалга оширилади.

5.6. Ширкатнинг таъсис шартномасидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар, шунингдек ширкат иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан ҳиссалар тўлиқ миқдорда қўшилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга таъсис шартномасига ўзгартиришлар тўлиқ шерик қарори билан тасдиқланган кундан эътиборан 1 (бир) ойдан кечиктирмай тақдим этилмоғи лозим. Таъсис шартномасидаги мазкур ўзгаришлар ширкат иштирокчилари ва учинчи шахслар учун ўзгаришлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан кучга киради.

6. ТЎЛИҚ ШЕРИКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Тўлиқ шерик қуйидагиларга ҳақли:

- ширкатни бошқариш ва ишларини юритиш;
- ширкат ишларига боғлиқ қарорларни расмийлаштириш ва уни имзолаш;
- ушбу шартнома ҳамда унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни мустақил равишда ҳисса қўшувчиларнинг розилигисиз ўз қарори асосида давлат рўйхатидан ўтказиш;

- Ширкатда ҳисса қўшувчи сифатида иштирок этиш истагини билдирган жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатини (оғзаки, ёзма ва электрон) кўриб чиқиш ва ҳал этиш;
- ҳисса қўшувчи иштирокчиларни ширкатга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ҳисса қўшувчи билан Ширкатга ҳисса қўшувчи сифатида қабул қилиш ҳақида келишувни ширкат номидан имзолаш;
- ҳисса қўшувчининг (коммандитчи) Ширкатдан чиқиши борасида қарор қабул қилиш;
- ширкатнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш, ушбу шартномада белгиланган тартибда бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш;
- фойдани тақсимлашда иштирок этиш;
- Ширкатнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш;
- Ширкат бошқарувини Таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда мустақил равишда амалга ошириш;
- Қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш ва улар билан боғлиқ шартномаларни тузиш;
- Ер майдонларини танлаш, баҳолаш, сотиб олиш ва сотиш жараёнларини ташкил этиш, шунингдек шартномаларни тузиш;
- Кадастр ҳужжатлари расмийлашган бинолар ва кўчмас мулк объектларини танлаш, ижара шартномаларини тузиш ва ижара ҳақларини йиғиш;
- ширкат тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш.

6.2. Тўлиқ шерик қонун ҳужжатларида ва ушбу шартномада назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

6.3. Тўлиқ шерикнинг мажбуриятлари:

- қонун ва ушбу шартномада назарда тутилган тартибда, миқдорларда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшиш;
- Ширкатнинг фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмаслик;
- Ширкат таъсис ҳужжатларига риоя қилиш;
- Қурилиш жараёнларини ўз вақтида ва сифатли якунлаш учун зарур чораларни кўриш;
- Қурилиш лойиҳалари бўйича давлат органлари олдидаги ҳисоботларни тақдим этиш;
- Коммандитчиларнинг маблағларини қурилиш билан боғлиқ бўлмаган йўналишларга сарфламаслик;
- Ер битимлари бўйича барча ҳуқуқий ва молиявий хатарларни баҳолаш ҳамда уларни минималлаштириш бўйича чоралар кўриш;
- Тўлиқ шерик ижарадан тушган даромадни ҳисоблайди ва коммандитчиларга тўғри тақсимланишини таъминлайди;
- Ширкатнинг тегишли инвестицион онлайн платформаларини узлуксиз ишлашини таъминлаш;
- Ширкатга нисбатан белгиланган тартибда ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш.

6.4. Тўлиқ шерик зиммасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

6.5. Тўлиқ шерик қонунда ва ушбу шартномада назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармагани оқибатида Ширкатга ёки унинг иштирокчиларига зарар етказган тақдирда бошқа иштирокчилар зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

7. ҲИССА ҚЎШУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Ширкат ҳисса қўшувчиси (коммандитчи) қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- шартномада назарда тутилган тартибда аниқланган Ширкатнинг фойдасидан устав фондига қўшган ҳиссасига мутаносиб қисмини олиш;
- Ширкатнинг йиллик ҳисоботлари ва баланслари билан танишиш;
- фақатгина молия йили тугаганидан кейин Ширкатдан чиқиш ва ушбу шартномада назарда тутилган тартибда ўз ҳиссасини олиш;
- устав фондидаги ўз улушини ёки унинг бир қисмини бошқа ҳисса қўшувчига, тўлиқ шерикка ёки учинчи шахсга бериш. Ҳисса қўшувчилар ва тўлиқ шерик улушни (унинг бир қисмини) учинчи шахсга таклиф қилинган баҳода сотиб олишда учинчи шахслар олдида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар. Ҳисса қўшувчи томонидан бутун улушининг ўзга шахсга ўтказилиши унинг Ширкатдаги иштирокини тугатади.

7.2. Ширкатнинг ҳисса қўшувчиси (коммандитчи) мажбуриятлари:

- Ширкатнинг устав фондига ҳиссани ушбу шартномада ва/ёки Ширкатга ҳисса қўшувчи сифатида қабул қилиш ҳақида келишувда белгиланган муддатда қўшиш;
- Ширкат таъсис ҳужжатларига риоя қилиш;
- Киритган инвестиция муддатлари ва шартларига тўлиқ амал қилиш;
- Ширкатга нисбатан белгиланган тартибда ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш;
- Ширкатнинг ишларини бошқаришда тўлиқ шерикка ҳалақит қилмаслик ва ишларига аралашмаслик;
- киритган ҳиссаси доирасида ширкатнинг зарарларида иштирок этиш;
- Ширкат фаолиятини амалга оширишда тўлиқ шерикка қўмаклашиш;
- 3 (уч) кундан кечиктирмай Ширкатни ўзининг шахсий маълумотлари, шу жумладан: хизмат кўрсатиш банки (банк тўлов картаси), асосий мобил рақами, яшаш манзилининг ўзгариши тўғрисида хабардор қилиш.

7.3. Ҳиссанинг қўшилганлиги ҳисса қўшувчига Ширкат томонидан бериладиган иштирок этиш тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

8. ИШТИРОКЧЕНИНГ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИНИНГ ЎЗГА ШАХСГА БЕРИЛИШИ

8.1. Ширкат иштирокчиси тўлиқ шерикнинг розилиги билан устав фондидаги ўз улушини ёки унинг бир қисмини Ширкатнинг бошқа иштирокчисига (бошқа ҳисса қўшувчига, тўлиқ шерикка) ёхуд учинчи шахсга беришга ҳақли.

8.2. Улуш (улушнинг бир қисми) бошқа шахсга берилганда улушни (улушнинг бир қисмини) берган иштирокчининг ҳуқуқи тўлалигича ёки ҳуқуқнинг тегишли қисми унга ўтади.

8.3. Агар Инвестор вафот этса, унинг устав фондидаги мавжуд пул маблағлари унинг вакилига қайтариб берилади. Бунда унинг ушбу маблағларини меросхўрлар ўртасида Қонунчилик ҳамда Ислом молияси мезонлари асосида тақсимот қилиши тавсия этилади.

8.4. Инвестор Ширкатнинг устав фондидаги ўз улушини фақат қурилиш объекти қуриб битказилиб, Ширкатга фойдаланишга топширилганидан кейингина бошқа коммандитчиларга, оила аъзоларига ёки учинчи шахсларга сотиши ёки ҳадя қилиши мумкин. Инвестор ўз улушининг сотув нархини мустақил равишда белгилайди, лекин Бошқарувчи компания кўчмас мулкнинг бозор нархидан келиб чиқиб, Инвесторга тавсиявий сотув нархларини таклиф этиши мумкин.

9. УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШНИНГ ШИРКАТ ТОМОНИДАН ОЛИНИШИ

9.1. Ширкат ўзининг устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олишга ҳақли эмас, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

9.2. Ширкат ширкат иштирокчисининг талабига (йиллик молия йили тугаганидан кейин) биноан унга қарашли улушни (улушнинг бир қисмини) қуйидаги ҳолларда олишга мажбурдир:

- ширкатнинг бошқа иштирокчилари уни олишдан воз кечган тақдирда;
- улушдан (улушнинг бир қисмидан) ширкатнинг иштирокчиси ёки учинчи шахс фойдасига воз кечишга тўлиқ шерик томонидан розилик берилмаган тақдирда.

Бунда Ширкат ширкатнинг иштирокчисига бу улушнинг (улуш бир қисмининг) ширкат иштирокчисининг шундай талаб билан мурожаат этган кундан олдинги ҳисобот даври учун Ширкатнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлашга ёки Ширкат иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни беришга мажбурдир.

9.3. Улуш (улушнинг бир қисми) ширкат иштирокчиси уни ширкат олсин деб талаб қўйган пайтдан эътиборан Ширкатга ўтади.

9.4. Ширкат улушнинг (улуш бир қисмининг) ҳақиқий қийматини тўлашга ёки худди шундай қийматдаги мол-мулкни улуш (улушнинг бир қисми) Ширкатга ўтган пайтдан эътиборан 1 (бир) йил ичида беришга мажбурдир.

9.5. Улушнинг (улуш бир қисмининг) ҳақиқий қиймати Ширкат соф активларининг қиймати билан Ширкат устав фондининг миқдор ўртасидаги фарқ ҳисобига тўланади. Агар бундай фарқ етарли бўлмаса, Ширкат ўз устав фондини етишмаётган суммага камайтириши шарт.

9.6. Ширкатга қарашли улушлар Ширкат тугатилган тақдирда унинг фойдаси ва мол-мулки тақсимланаётганда ҳисобга олинмайди.

9.7. Ширкатга қарашли улуш Ширкатга ўтган кундан эътиборан 1 (бир) йил ичида тўлиқ шерикнинг қарорига биноан Ширкатнинг барча иштирокчилари ўртасида уларнинг устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланиши ёхуд Ширкатнинг барча ёки айрим иштирокчиларига ва (ёки) учинчи шахсларга сотилиши ва ҳақи тўлиқ тўланиши лозим. Улушнинг тақсимланмаган ёки сотилмаган қисмининг ҳақи Ширкатнинг устав фонди тегишлича камайтирилган ҳолда тўланиши керак. Улушни Ширкат иштирокчилари улушлари миқдорлари ўзгарадиган тарзда ширкат иштирокчиларига сотиш, улушни учинчи шахсларга сотиш, шунингдек улушни сотиш билан боғлиқ ўзгаришларни Ширкатнинг шартномасига киритиш тўлиқ шерик қарорига биноан амалга оширилади.

9.8. Улуш олди-сотди жараёнига оид барча амаллар, ҳужжат алмашинуви ва ҳисоб-китоблар «ENVAST» платформаси ёрдамида амалга оширилади.

10. УНДИРУВНИ ИШТИРОКЧИНИНГ ШИРКАТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИГА ҚАРАТИШ

10.1. Иштирокчининг ўз қарзлари бўйича ундирувни унинг Ширкат устав фондидаги улушига қаратишга иштирокчининг бошқа мол-мулки қарзларини қоплаш учун етишмаган тақдирда фақат суднинг қарорига асосан йўл қўйилади. Бундай иштирокчининг кредиторлари Ширкат мол-мулкининг устав фондидаги қарздорнинг улушига тўғри келадиган қисмини, ундирувни ана шу мол-мулкка қаратиш мақсадида, ажратишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Ширкат мол-мулкнинг ажратилиши лозим бўлган қисми ёки унинг қиймати кредиторлар томонидан ажратиш тўғрисидаги талабнома тақдим этилган пайтдаги ҳолатга кўра тузилган баланс бўйича аниқланади.

10.2. Ширкат устав фондидаги иштирокчининг улушига тўғри келадиган мол-мулкка ундирувни қаратиш унинг Ширкатдаги иштирокини тугатади ва қонунда назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқаради.

11. ШИРКАТ БОШҚАРУВИ

11.1. Тўлиқ шерик ширкатнинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

11.2. Ширкат фаолиятини бошқариш тўлиқ шерик томонидан амалга оширилади ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинади ва имзоланади.

11.3. Тўлиқ шерикнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Ширкат фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;
- Ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;
- Ширкат фойдасини (зарарларини) унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Ширкат устав фондини кўпайтириш ва камайитириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
- Ширкат устав фонди ўзгартирилмаган (кўпайтирилмаган ёки камайитрилмаган) ҳолда Ширкат иштирокчиларининг ҳиссалари ўзгариб туриш ҳақида қарор қабул қилиш;
- Ширкатнинг бошқа масалаларини ҳал қилиш.

11.4. Ҳисса қўшувчилар ширкатни бошқаришда ва унинг ишларини юритишда иштирок этишга ишончномасиз бошқа ҳар қандай тарзда унинг номидан иш кўришга ҳақли эмаслар. Ҳисса қўшувчилар ширкатни бошқариш ва унинг ишларини юритиш бўйича тўлиқ шерикнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда қарорлари хусусида баҳслашишга ҳақли эмаслар.

11.5. Ширкатнинг жорий фаолиятини бошқариш ва Ширкат ишларини юритишни бевосита тўлиқ шерик амалга оширади.

11.6. Ширкатнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиб бориш учун ширкатнинг тафтиш комиссияси тузилиши мумкин. Тафтиш комиссиясини тузиш зарурияти, тартиби ва унинг (тафтишчининг) ваколати тўлиқ шерик қарори билан тасдиқланади. Ўн беш нафардан ортиқ иштирокчиси бўлган ширкатларда ширкатнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчини сайлаш) шарт. Ширкат иштирокчиси бўлмаган шахс ҳам унинг тафтиш комиссияси аъзоси (тафтишчиси) бўлиши мумкин. Ширкат тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) вазифаларини тўлиқ шерик қарори билан аниқланган, ширкат ва унинг

иштирокчилари билан мулкӣ манфаатлар бўйича боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти амалга ошириши мумкин. Ширкатнинг тўлиқ шериги ширкат тафтиш комиссиясининг аъзоси (тафтишчиси) бўлиши мумкин эмас.

12. ШИРКАТНИНГ ФОЙДАСИ ВА ЗАРАРЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ

12.1. Ширкат фойдаси унинг иштирокчилари ўртасида қуйидагича тартибда тақсимланади:

- Ширкат соф фойдаси қонунчиликда белгиланган муддатларда, яъни ҳар чоракда ёки йил якунлари бўйича тақсимланиши мумкин. Ширкат соф фойдасини тақсимлаш муддатларини тўлиқ шерик белгилайди;
- Ширкат соф фойдасини тўлиқ шерик ва коммандитчилар ўртасида тақсимланувчи улушларини аниқлаш учун, ширкат бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида ўтган ҳар бир йил бўйича соф фойда (ёки зарар) ҳажми ҳисобланади. Агар Ширкатнинг балансидаги барча кўчмас мулклар сотилиб бўлган тақдирда, соф фойда (ёки зарар) чорак ёки ярим йиллик якунлари бўйича ҳам ҳисобланиши мумкин;
- Ширкат соф фойдасининг тўлиқ шерикка тегишли қисми устав капиталдаги улушига мутаносиб тарзда аниқланиб, Ушбу тарзда аниқланган соф фойданинг барчаси тўлиқ шерикнинг фойдаси ҳисобланади;
- Ширкат соф фойдасининг ҳисса қўшувчилар билан бўлишиладиган қисми, ҳисса қўшувчиларнинг устав капиталидаги улушига мутаносиб тарзда аниқланади. Ушбу тарзда аниқланган соф фойданинг 50 (эллик) фоизи тўлиқ шерикка ва 50 (эллик) фоизи ҳисса қўшувчиларга тегишли улуш сифатида ҳисобланади. Бунда тўлиқ шерик томонидан амалга ошириладиган бошқарув функциялари билан боғлиқ барча харажатлар унинг шахсий маблағлари ҳисобидан қопланади ва мазкур харажатлар Ширкат зиммасига юкланмайди ҳамда компенсация қилинмайди;
- Ширкатнинг белгиланган давр якунлари бўйича тўлиқ шерик ва ҳисса қўшувчилар ўртасида тақсимланадиган фойда ҳажми ушбу даврга тегишли бўлган ҳар бир йил якунлари бўйича аниқланган фойда ёки зарарларнинг йиғиндиси сифатида аниқланади;
- Коммандитчи соф фойдадан ўз улушини олиши ёки устав фондидаги ҳиссани ўзгартириш билан боғлиқ бўладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобланиб ва тегишли давлат органларига ўтказилгандан сўнг қолган сумма фойда сифатида тўлаб берилади.

12.2. Ширкатнинг зарари унинг иштирокчилари ўртасида уларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

12.3. Агар ширкат томонидан кўрилган зарарлар оқибатида ширкат соф активларининг қиймати унинг устав фонди миқдоридан камайиб кетса, соф активлар қиймати устав фонди миқдоридан ошмагунга қадар ширкат томонидан олинган фойда иштирокчилар ўртасида тақсимланмайди.

12.4. Ширкат иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойда қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор тўлиқ шерик томонидан қабул қилинади.

12.5. Ширкат қуйидаги ҳолларда ўз фойдасини Ширкат иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- Ширкат иштирокчиси ҳиссасининг (ҳисса бир қисмининг) номинал қиймати тўлангунга қадар;
- агар бундай қарорни қабул қилиш пайтида Ширкат қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Ширкатда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

12.6. Ширкатнинг бирор-бир иштирокчисини фойда ёки зарарларни тақсимлашда иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарор ҳақиқий эмас.

12.7. Ширкатнинг ҳар бир молия йили якунлари бўйича аниқланган соф фойдасидан 5 (беш) фоиз миқдори, ушбу шартномани имзолаган барча иштирокчиларнинг, шу жумладан коммандитчиларнинг ҳам розилигига асосан, Ширкат иштирокчилари қарорисиз тўғридан-тўғри "Хайрия фонди" учун ажратилади. Ушбу ажратма фойда иштирокчилар ўртасида тақсимланишидан аввал амалга оширилади. Хайрия фонди маблағларининг мақсадли йўналиши тўлиқ шерик қарори билан белгиланади ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган йўналишларда сарфланиши шарт.

12.8. Ширкат соф фойдасидан ўз улушини олиш ва/ёки уни Ширкатнинг устав фондидаги ҳиссасини кўпайтиришга йўналтириш қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ушлаб қолингач амалга оширилади.

13. ШИРКАТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ УНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ЮЗАСИДАН ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1. Ширкат тўлиқ шериги ширкатнинг мажбуриятлари юзасидан ўз мол-мулклари билан субсидиар жавобгар бўлади.

13.2. Ширкат таъсис этилганидан кейин улушнинг ўтказилиши ёки ҳуқуқий ворислик тартибида унга аъзо бўлиб кирган ширкат иштирокчиси у ширкатга аъзо бўлиб киргунга қадар юзага келган мажбуриятлар юзасидан бошқа иштирокчилар билан тенг равишда жавобгар бўлади.

13.3. Ширкат таъсис этилганидан кейин янги иштирокчини қабул қилиш тартибида Ширкатга аъзо бўлиб кирган ширкат тўлиқ шериги у ширкатга аъзо бўлиб киргандан кейин юзага келган мажбуриятлар бўйичагина жавобгар бўлади.

13.4. Ширкатдан чиқиб кетган тўлиқ шерик ширкатнинг у чиқиб кетган пайтга қадар юзага келган мажбуриятлари юзасидан, у ширкатдан чиқиб кетган йил учун ширкатнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланган кундан эътиборан икки йил мобайнида, қолган иштирокчилар билан тенг равишда жавобгар бўлади.

13.5. Ширкат иштирокчиларининг ушбу бўлимда назарда тутилган жавобгарликни чеклаш ёки бартараф этиш тўғрисидаги қарор ҳақиқий эмас.

13.6. Бошқарувчи компания ва/ёки Ширкат Инвестор ёки учинчи шахснинг қуйидаги хатти-ҳаракатлари оқибати етказилган зарарлар учун жавобгар эмас:

- Инвестор томонидан маълумот ва реквизитлар нотўғри киритилганлиги, шунингдек тўловларни амалга оширишнинг белгиланган тартибининг бузилиши;
- Таъсис шартнома ва оферта шартларининг бузилиши;

- Учинчи шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, шу жумладан Инвесторнинг идентификация маълумотларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари.

14. ШИРКАТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАРКИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ

14.1 Ширкат иштирокчиларидан бири ундан чиқиб кетган ёки вафот этган, улардан бирортаси бедарак йўқолган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган ёхуд банкрот деб топилган, иштирокчилардан бирига нисбатан суднинг қарорига кўра қайта ташкил этиш тадбирлари бошланган, ширкатда иштирок этаётган юридик шахс тугатилган ёхуд иштирокчилардан бирининг кредитори ундиришни мол-мулкнинг устав фондидаги унинг улушига тўғри келадиган қисмига қаратган ҳолларда ширкат ўз фаолиятини давом эттириши мумкин.

14.2. Ширкат тўлиқ шериги, агар ҳисса қўшувчи ўз мажбуриятларини қўпол равишда бузган ҳолларда, ширкатдан суд тартибида чиқариб юборишни талаб қилишга ҳақлидирлар.

14.3. 14.1-бандга мувофиқ ширкат ўз фаолиятини давом эттирган тақдирда, шунингдек иштирокчининг ширкат мол-мулкидаги улуши бошқа иштирокчиларга ёки учинчи шахсларга ўтган, иштирокчи ширкатдан чиқариб юборилган ёхуд ширкатга янги иштирокчилар қабул қилинган ҳоллардагина ширкат таъсис шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлади.

15. ШИРКАТГА ЯНГИ ИШТИРОКЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

15.1. Ширкатга янги иштирокчилар тўлиқ шерик қарори билан қабул қилиниши мумкин.

15.2. Янги иштирокчилар қабул қилинганда ширкатнинг таъсис шартномасига:

- иштирокчиларнинг ширкат устав фондидаги улушлари янги миқдорига;
- ширкатни бошқариш тартибига (заруриятга кўра);
- ширкатнинг янги иштирокчиси томонидан қўшиладиган ҳисса миқдори, уни қўшиш тартиби, муддатлари ва усулига оид ўзгартиришлар киритилади.

Янги иштирокчи қабул қилиниши муносабати билан ширкатнинг таъсис шартномасига бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилиши мумкин.

15.3. Инвестор “ENVAST” платформасида рўйхатдан ўтиш жараёнида тақдим этилган оферта шартларига розилигини, инвестиция лойиҳасига Инвестор сифатида аъзо бўлиш жараёнида факсимиле таблосида имзо қўйиш ва FACE ID орқали тасдиқлаб ушбу таъсис шартномаси ва тақдим этилган оферта шартларига розилигини ва уларни тўлиқ қабул (акцепт) қилганлигини тасдиқлайди.

15.4. Инвестор Ширкат томонидан тақдим этилган оферта шартлари билан танишиб чиққан шахс Ширкатга коммандитчи сифатида қабул қилиниши учун қуйидаги хатти-ҳаракатларни амалга ошириши керак:

15.4.1. “ENVAST” платформасида Инвестор бўлиб рўйхатдан (авторизациядан) ўтиш. Аввало “ENVAST” платформасидан Инвестор телефон рақамини киритган ҳолда рўйхатдан ўтиши лозим. Сўнгра рўйхатдан ўтиш учун Инвестор паспорт ёки ID-картасида кўрсатилган шаклда тўлиқ исми, туғилган санаси, паспорт ёки ID рақами, паспортнинг амал қилиш муддати, шунингдек доимий яшаш манзили ҳақида маълумотларни “My Id” идентификация тизими орқали тақдим этиши.

15.4.2. Ширкатнинг банк ҳисоб-рақамига инвестиция маблағларини ўтказиш. Инвестор Ширкатнинг банк ҳисоб-рақамига Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида (сўм)да инвестиция маблағини ўтказди. Миллий валютада киритилиши лозим бўлган пул маблағларининг энг кам миқдори "ENVAST" платформасида Инвестор танлаган инвестиция лойиҳасида белгиланади.

15.5. Юқоридаги 15.4.1 ва 15.4.2-бандларида кўрсатилган барча ҳаракатларни амалга оширган Инвестор Ширкатнинг Таъсис шартномасидаги "коммандитчи"лар рўйхатига киритилади ва кейинги ойнинг 10 санасидан кечиктирмаган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилади. Инвесторнинг Ширкат устав капиталига киритган инвестиция маблағлари қабул қилинганлиги ва "коммандитчи" сифатида кирганлигини тасдиқлаш мақсадида унга Ширкат томонидан гувоҳнома берилади.

15.6. Бошқарувчи компания ва / ёки Ширкат "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (2004-йил 26 августдаги 660-II-сон) талаблари татбиқ этиладиган нобанк кредит ташкилоти ҳисобланмайди ва юқоридаги қонуннинг талаблари доирасида ички назоратни, мижозни текширишни, мижозни идентификациялашни ёки шу каби бошқа ҳаракатларни амалга оширмайди.

16. ШИРКАТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

16.1. Коммандит ширкатни қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

16.2. Коммандит ширкат унда иштирок этган барча ҳисса қўшувчилар ширкатдан чиққан тақдирда қонунчиликда назарда тутилган тўлиқ ширкатни тугатиш асослари бўйича тугатилади.

16.3. Барча ҳисса қўшувчилар ширкатдан чиққан тақдирда тўлиқ шериклар коммандит ширкатни тугатиш ўрнига уни тўлиқ ширкатга айлантиришга ҳақлидирлар.

16.4. Коммандит ширкат тугатилган тақдирда, шу жумладан у банкрот бўлган тақдирда, ҳисса қўшувчилар ширкатнинг кредиторларнинг талаблари қондирилганидан кейин қоладиган мол-мулкидан ҳиссалар олишда тўлиқ шериклар олдида имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар. Ширкатнинг шундан кейин қолган мол-мулки тўлиқ шериклар ўртасида уларнинг ширкат устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

17. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

17.1. Низо ва келишмовчиликлар иштирокчиларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари, ушбу шартномага асосан ҳал қилинади.

17.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар суд орқали ҳал қилинади.

18. ФОРС-МАЖОР

18.1. Иштирокчиларнинг ҳар бири шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу кутилмаган ва муқаррар фавқулодда ҳодисалар натижасида юзага келганлигини исботласа.

18.2. Кутилмаган ва муқаррар фавқулодда ҳодиса деганда табиий офатлар, ёнғинлар, бўронлар, урушлар ва ҳарбий ҳаракатлар, блокадалар, қўзғолонлар, саботажлар, эпидемиялар, пандемия, тартибсизликлар, миллий тўқнашувлар, эмбарголар, давлат муассасаларининг тақиқловчи ҳаракатлари ёки томонларнинг назоратидан ташқарида, улар шартномани тузишда ушбу ҳолатларни олдиндан кўра олмаган ёки олдини олмаган ва ҳисобга олмаган ҳар қандай ҳолатлар тушунилади.

18.3. Фавқулодда ҳодисаларнинг вужудга келиши ваколатли органларнинг ҳужжатлари билан тасдиқланиши керак.

18.4. Фавқулодда ҳодисалар юзага келса, иштирокчилар ўзаро ҳисоб-китоб далолатномасини тузиш орқали ўзаро ҳисобларни ҳал этишлари мумкин.

19. ЯКУНИЙ ҚОИДА

19.1. Мазкур шартнома ширкат Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

19.2. Ушбу шартномада назарда тутилмаган масалалар юзасидан иштирокчилар қонунчилик шартлари ва талабларига кўра иш кўрадилар.

19.3. Тарафлар, агар қонун ҳужжатларида ёки Тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уларнинг ихтиёрларини ифода этувчи хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар, сканерланган нусхалар ёки бошқа, шу жумладан электрон тарзда имзоланган ҳужжатлар ёзма равишда битим тузишга тенглаштирилади, деган келишувга келишди.

19.4. Ушбу таъсис шартномасининг бирон бир шarti ҳақиқий эмас деб топилганда, ушбу қолган шартлари амал қилишни давом эттиради ва ўз кучини сақлаб қолади.

19.5. Тарафларнинг ҳеч бири бошқа Тарафнинг ёзма розилигисиз битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи томонга топширишга ҳақли эмас.

ТЎЛИҚ ШЕРИКЛАР:

1. "Envast Innovation" МЧЖ директори: ЭШТУРДИЕВ УМИДЖОН ДИЛШОД ЎҒЛИ



2. "Envast" МЧЖ директори: ЭШТУРДИЕВ УМИДЖОН ДИЛШОД ЎҒЛИ



Тўлиқ шериклар ва коммандитчилар ҳақида маълумот

	Номи	Реквизитлари	Устав капиталидаги улуши ва номинал қиймати
1	"Envast Innovation" МЧЖ	312877025	3 450 000 000 сўм 99.309%
2	"Envast" МЧЖ	312857097	12 000 000 сўм 0.345%
3	DJURAYEV DIYOR BAXTIYOR O'G'LI	AB7422864	12 000 000 сўм 0.345%